

АДҲАМ ДАМИНОВ

# ЖУРЪАТ

*Ҳикоялар*

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1982

Уз  
Д 18

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат наш-  
риёти, 1982 й.

## УҚИЛМАГАН МАКТУБ

Унингчи синфда ўқийдиган кезларим эди. Футбол деса жонимни тикиб юборар эдим. Энди ўйлаб қарасам, тўпга ўта меҳр қўйганимданми, бошқа масалаларда ғирт тентак эканман. Гўё темирдек ҳиссиз бўлганман. Нега? Сабабини ҳали-ҳануз армон ва ўкинч билан эслайман.

Пахта теримига колхознинг йигирма чақирим олисдаги чўл ерига қатнардик. Бир куни терим пайтида синфдошим Инобат (шаддодлигидан лақаби «эчки» эди) менга хат узатди.

— Сенга, «А» синфдаги Сорадан. Ёқимтой боласан-да, ҳатто бошқа синф қизлари ҳам сенга кўз тикиб юради-я! — деди-да, сўнг пичинг билан қўшиб қўйди: — Тағин, даданг мактабда тўғри юр деб, ҳаммани уришгани уришган. Ўғил бола билан қиз боланинг гаплашиб турганини кўрса, хўмрайиб ўтади...

Инобатнинг гапларидан аччиқланиб хатни олдим-у, унинг кўзи олдида парча-парча қилиб ташладим. Дадамга бирор гап етиб боришидан қўрқар эдим. Дадам мактабимизда директор бўлиб, жуда қаттиқ қўл киши эди. Эсимда, бир куни танаффус пайтида Салима

билан Шарифни синфимиз ёнидаги хонада гаплашиб турганини кўрган дадам уларни синфимизга бошлаб кириб, доска олдида тур-газганича роса изза қилганди.

— Ҳали бурчак-бурчакда гаплашишга вақт эрта! Лайли-мажнунликни мактабдан бошқа ерда қиласанлар. Уятни ҳам билмай-ди булар, ҳалитдан ўйлаганлари ошиқ-маъшуқлик. Ун олти ёшда ишқ-муҳаббатга бало борми?..

— Биз ҳеч унақа...

— Учир овозингни! — Дадамнинг овози Шарифнинг товушини босиб кетди. — Яна гап қайтаради-я, қилғиликни қилиб қўйиб!

Ҳамма «қилғиликни қилиб қўйганлар» тарафида бўлса-да, ҳеч ким миқ этмас, жаҳолат олдида ҳақиқатга ўрин топилмасди. Дадам, ўқишдан бошқа нарсаларни ўйлама, деб мени ҳам кўп уришарди. Футбол орқасидан ҳам неча марта дакки эшитганман... Очиғи, Сора менга ёқарди, аммо...

Эртаси куни теримда Сора билан ёнма-ён тушиб қолдим. У менга дам-бадам зимдан қараб қўяр, нимадир дейишимни кутарди.

— Сора, — дедим унга секингина, — нега менга хат ёздинг?

Сора чўғдай қизариб кетди. Ерга қараганича нима дейишици билмай узоқ туриб қолди. Сал нарида эса Инобат кўзларини бақрайтириб бизни кузатиб турарди.

— Иккинчи хат ёзма! — дедим мен Сорага, гўё кечаги гаплари учун Инобат ҳам эшитиб қўйсин дегандек овозимни баландла-тиб.

Сора юзларини кафтлари билан тўсгачча йиглаб юборди, сўнгра бир сўз демасдан пахтазордан чиқиб кетди. Кейин билсам, ўша куни шунча жойдан қишлоққа пиёда кетиб қолибди. Инобатга кўзим тушганда у менга қараб, «Бопладинг!» дегандек имо қилди. Жаҳлим чиқди, лекин сездирмадим.

Сора шундан сўнг менга сира гапирмади. Танаффусларда тўқнаш келиб қолганимизда ҳам, тасодифан кўз-кўзга тушиб қолганда ҳам у тезгина ўтиб кетар, менга парво қилмасди ҳам. Аслида эса мени пинҳона кузатиб юрарди... Эсимда, бир куни дарсдан кейин мактаб стадионида тўп тепиб кунни кеч қилдик. Ўйин тугаб тарқалаётганимизда «А» синф деразасидан бир кўриниб ўтган шарпага кўзим тушди. У Сора эди. Деразадан бизнинг ўйинни, мени кузатиб ўтирган эди.

Шу куни: «Мактубда нималар ёзилган экан-а?» деб уни ўқимасдан йиртиб ташлаганимга илк марта пушаймон бўлдим. Пушаймоним кун сайин ортиб борарди. Ниҳоят, яқинда бўладиган битириш кечамизда ундан кечирим сўрашга, ҳаммасини тушунтиришга аҳд қилдим. Энди мен ҳам Сора ҳақида кўп ўйлардим... Мана, ўқишларимиз тугаб, мен орзиқиб кутиб юрган кун—битириш кечаси ҳам етиб келди. Лекин ўша куни Сора нимагадир келмади.

Ўқишга кирдим. Биринчи курсни тугатиб, қишлоққа борсам, Соранинг тўйи бўлибди. Уни кўчада учратиб қолдим.

— Тўйинг бўлибди, — дедим тузукроқ гап тополмай.

— Шунақа бўлди. — У шундай деди-да, бошқа ҳеч гап айтмай жўнаб қолди. Шу-шу, умидларим юрагимда пинҳона қолиб кетди...

Уқишни ҳам тугатдим. Бирорта қизга кўнгил қўёлмадим. Ишга жойлашгач, қишлоққа борсам, ойим гап очиб қолди.

— Мана, институтни ҳам тугатдинг. Энди тўй қилсак ҳам бўлаверади. Ўзинг билан ўқиган Инобатхон ҳам бу йил институтни битириб, колхозимизга агроном бўлиб келди. У ёқ-бу ёқдан совчилар келса, йўқ, дебди. Ойисининг шама қилишича, сенда кўнгли бормиш...

— Ҳали уйланмоқчи эмасман, — дедим-у, кўчага чиқиб кетдим: Инобатнинг ўша қилиқларини эсладим ва бирдан ярқ этиб кўзим очилгандек бўлди. Нигоҳим қаршисида Соранинг юзларини яширганча йиғлаб кетаётгани гавдаланди. Гўё у мурғак муҳаббатимизни кўз ёшлари билан кўмаётгандек...

Мана, ҳамон бир дилкаш кўнгилга зор бўлиб юрибман. Фақат армонли хотиралар юрагимни ўртайди, холос. Сора билан кўришгим, тўйиб-тўйиб суҳбатлашгим, ўша мактубда нималарни ёзганини сўраб билгим келади.

Қайтмас хотиралар мунча ширин бўлмаса! Балки муҳаббат деганлари шунақа бўлармикан?.. Наҳотки, мен бағритош, худбин одам бўлсам, ҳеч кимга кўнгил қўёлмасам? Йўқ, севганман, бунини йиллар ўтган сайин чуқурроқ ҳис қиляпман. Бу сен эдинг, Сора! Ўша ўқилмай қолган ишқий мактубингни ўқишга зорман. Бир умр энди шундай зор бўлиб ўтсам керак... Энди биламан, хатда

сен ёш қалбинг нимани илғаган, нимадан азоб чеккан, нимадан шодланган ва яширин маънолар ахтарган бўлса, шулар ҳақида ёзгансан. Эзгулик ва бахт ҳақида, муҳаббат ҳақида. Сен мард ва мағрур инсон экансан, ўз қалбингни оча олдинг...

Мен эса...

## АСОРАТ

Ҳаммаси орзудагидек чиройли бошланган эди.

Улар студент бўлишгач, илк марта лекция тинглашарди. Олдинига йигит қарадими ёки аксинча бўлдими, хуллас, нигоҳлар тўқнашди: иккиси ҳам ғалати бўлиб кетди, бир-бирларига бепарво қолиша олмади, қачонлардан буён пинҳон ётган бир туйғу қалбларига тўсатдан кирди. Аввал қиз; сўнг йигит уялиб кўзларини четга олди. Бироқ кўнгилларда нигоҳлар ғалаёни давом этарди...

«Чиройли қиз экан, — дея зимдан қараб ўйларди йигит, — жудаям чиройли...»

«Қимгадир ўхшайди, — дея ўзини бепарво кўрсатишга беҳуда уриниб хаёл қиларди қиз. — Қарашларини... Нега ҳадеб менга тикиляпти ёки менга шундай туюляптимикан? Ё ўзим унга... вой ўлмасам, ростдан мен қараётган бўлсам-а? Ана, тагин...»

Нигоҳлар такрор учрашди. Энди кўзлар ҳам, кўнгиллар ҳам уларнинг измида эмасди. Йигит ёнидагиларга сездирмай жилмайди, қиз барча ақлли қизлардек унинг қилигини беодобликка йўймоқчи бўлса-да, бундай қиллолмади ва аксинча, у ҳам жилмайди. Шу кунни дарсдан сўнг иккиси ҳам ётоқхона-



да «уқувсизликларидан» полиганларича ҳам-курсларидан лекция дафтарларини олиб ўтилган темани ёзиб олишди.

Бир ҳафта деганда дарсга ҳам, кутубхонага ҳам бирга қатнайдиغان бўлишди. Сеп-тябрь сўнгида Сирдарёга пахта теримига боришганда йигит қизни сайрга таклиф қилган оқшом ҳаммасидан гўзал эди. Йигит қизга изҳори дил қилди.

Мана, бу бахтиёр онларнинг бошланганига ҳам беш йил бўлди. Бу йил эса ўқишлар тугаяпти. Аҳду паймон учун ота-оналарининг розилиги қолган, холос.

\* \* \*

Қодир ака хотини билан маслаҳатлашгач, Содирдан йўлни қайта-қайта суриштириб, Қўқонга борди-да, кечки поезд билан Сурхондарёга йўл олди. Орадан икки кун ўтгач, дарғазаб ҳолда кириб келди. У ўғли ва хотини билан совуққина саломлашиб, тўғри уйга ўтиб кетди. Содир анграйиб қолди. Санам опа ҳайрон бўлганча эрига эргашди.

— Ҳа, дадаси, нима бўлди? Тинчликми? Сафардан келган одам ҳам уйга шу алпозда кирадимми? — деди у эрига.

— Ҳеч қанақа тўй-пўй бўлмайди! — Қодир аканинг овози асабий эди. — Топса шу яқин орадан, ўзимизнинг Қорадарахтнинг қизларидан топмайдими? Гўё бутун Фаргонада унга лойиқ қиз қуриб қолгандек, ойи бормикан бошқа жойнинг қизини... Қўнглининг кўчасини кўр-а!..

— Нима, йўқ дейишдимми?

— Кошкийди, шундай бўлса... Бор, ўглинг-ни чақир...

Содир тортиниб кирди. Ҳатто: «Яхши бориб келдингизми, дада?» ҳам дея олмади. Қодир ака ҳамон тажанг кайфиятда ўтирарди. У ўғлига хўмрайиб қаради-да, дабдурустдан:

— Гапнинг қисқаси шу: ўша қизга уйлапмайсан! — деди.

— Нега?!—Содирнинг ранги қув ўчиб, отасига умрида биринчи марта тик қаради.

— Негаки, мен ундай одам билан қуда-андачилик қилишни хоҳламайман, номини эшитишга ҳам тоқатим йўқ, билдингми?

Содир йиғлагудек бўлиб отасига тикилиб қолди. Қодир ака жаҳлидан тушиш учун у ёқ-бу ёққа юрди, кейин ўглининг рўпарасига келиб деди:

— Барини айтаман: билиб ол, тагин отангни жаҳолатда айблаб юрмагин. — У бир хўрсиниб қўйиб, давом этди: — Биз ҳамқишлоғим Сотволди билан Катта Фарғона канали қурилишига кетаётгандик. Йўлда кўплашиб, бир чойхонада дам олишга тўғри келди. Бир пайт Сотволди мени бир четга имлади. «Қодир, — деди у секин менга қараб. — Шу битта канал сен билан мен ташийдиган бирикки замбил тупроққа қараб қолибдими?» «Қизиқсан, дўстим. Ҳа, деган туяга мадор, дейдилар. Сен билан менга ўхшаганлар қанча? Бир замбилдан ташилса, ўн замбил, юз замбил, минг замбил тупроқ бўлади. Тупроқ ташимасак, ундан бошқа иш тополмайди дейсанми?!» «Иш-ку топилади-я, ҳар қалай, бола-чақамиз ташвишини қилиб, унинг ўрни-

га мева-чевадан у ёқ-бу ёққа олиб бориб сотсакми, дегандим-да?» «Уйлаб гапиряпсанми?» — дедим ғазабланиб. «Секин-секин, бақирма, ҳазиллашдим. Сени синamoқчи эдим», — деб Сотволди тиржайди.

Қаналга ҳам етиб келдик. Сотволди билан ёнма-ён кетмон ураётгандик. Бир куни кечқурун артистларнинг томошасини кўргани бордим-у, уни йўқотиб қўйдим.

Қишлоққа қайтиб, ўз боғида етиштирган мева-чевалардан шаҳарда сотиб юрганини, кейин пул тўплаш пайига тушиб қабиҳ ишларга қўл урганини, охири қамалиб кетганини эшитдим. Ота-онаси ҳам ёлғиз—ноқобил фарзанд доғида куя-куя ажалидан олдин ўлиб кетди. Сотволди бўлса, қамоқдан чиққач, ўз она қишлоғида яшаб, одамлар қазиган канал сувидан ичишга юзи чидамай, қаёққадир кетиб қолганди. Кечаги мен борган уй эгаси ўша Сотволди экан...

\* \* \*

Ёзнинг иссиқ куни. Қўқон ва унинг атрофида доимо ғарбдан шарққа қараб мавсум танламай эсадиган шабада дим ҳавони анчайин енгиллатган, ҳовлидаги чинор барглари шабадада тинмай ҳилпираб ўйнар, ҳовлини кесиб ўтган ариқдаги сув ёқимли шовиллар, осмондаги юлдузлар ва ой сахийлик билан нур сочарди. Сув бўйидаги сўрида эса Содир тун ярмидан ошса ҳамки, ухлаёлмай тўлғаниб ётарди.

«Наҳотки, ҳаёт шунчалик қасоскор? Оталар қарғиши ёмон дейишарди. Аксинча бўл-

са-чи? Э, дунё, мунча қаҳринг қаттиқ... Наҳотки, оталарнинг бир вақтлар қилган айби болаларнинг, бизнинг бахтимизга қора доғ бўлиб тушса?»

Гўё Содирга жавоб бераётгандек шабада кучаяди, чинор шохлари кучлироқ шовқин солади. Сув ҳам ўз овозига эрк беради. Осмондаги безовта жимирлаётган юлдузлардан бири учиб, унинг ортидан қувлаган ёруғ из бўшлиққа сингиб кетади...

Олис Сурхондарёда ҳам худди шу пайт Дилбар исмли бир қиз хўрсиниб хўрсиниб йиғларди...

Энди ҳаммаси орзудагидек гўзал эмасди...

## КУНГИЛ

Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,  
Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Лутфий

У вақтлар эндигина биринчи синфга қатнай бошлаган эдим. Болалигимда ақлим етмаган кўп нарсаларни вақт ўтган сайин чуқурроқ ҳис қиламан. Уйимизда отамнинг кичик синглиси Моҳинисо опам тўғрисида кўп гап бўларди. (Ойим доим «у сенга амма бўлади», деб уришарди, лекин мен «амма» десам, гўё Моҳинисо опамдан узоқлашиб қолаётгандек «опа»лашни қўймасдим.) Мен уни жуда яхши кўрардим, у ҳам мени ўзи билан бирга олиб юришни ёқтирар, бола кўнглим нимани тусаса, бирпасда муҳайё қиларди. Бизнинг уйимиз қишлоқнинг четида, опамларники эса марказда — мактабнинг ёнгинасида эди. Мактабга ўтганда ҳам, қайтганда ҳам уларникига кириб чиқардим. Опамларнинг ҳовлисидаги ғуж-ғуж ҳосил қиладиган икки туп беҳи мевасининг ярмини мен тугатардим, десам, лоф бўлмайди. Поччам Маҳкам ака шофёр бўлиб ишларди. У сира мени зериктирмас, машинасида ҳар жойларга сайрга олиб борарди.

Ҳали айтганимдек, опам ҳақидаги суҳбатни кўпинча ойим бошларди.

— Бормаган мулла-эшони, кўрсатмаган табибу бахшиси қолмади, қийин бўлди Мо-

ҳинисога, умри бекор ўтяпти, саккиз йил — ай тишга осон, — дерди-да, кейин менн энди кўраётгандек уришарди: — Бор, бор, ўйинингни ўйна, катталарнинг гапига қулоқ солишни сенга ким қўйибди!

Мен сал нари кетсам-да, барибир опам ҳақидаги суҳбатни яшириқча эшитиб ўтирардим.

— Фалон жойда янги бахши чиқибди, — ойим ҳамон давом этарди, — бир бориб учрашса бўлармиди? Жуда илми ўткир дейишяпти. Бир-икки дардига даво истаб борганлар шифо топиб, бахтлари очилиб кетибди. Моҳинисони ҳам азиз-авлиёлар пешонаснни силаб, қўллаб юборишса ажаб эмас. Нечанеча авлиё мозорларида ис чиқардим: «Оқ-мозор бува»да расм-русмини қилиб, хўроз сўйдик, «Пошшо пирим» зиёратида қўй сўйиб, қон чиқардик... Зора буниси...

Бундай кезларда отам узоқ сукутга чўмар, кўзлари атрофини, пешоналарини ажин қопларди. Отамнинг гамгин қиёфасидан ойимнинг гаплари шунчалик ёмонмикан, деб ўйлардим. Бола бўлсам-да, гап Моҳинисо опамнинг, ойим айтгандек «тирноққа зор бўлиб ўтаётгани» ва унинг фарзанд кўришини фақат ўзигина эмас, барча қариндош-уруғимиз иташаётганини тушунардим. Барибир бола эдим-да. Ўша куниеқ эшитганларимни опамга оқизмай-томизмай етказдим. Янги бахши ёрдам берар, дебман. Опам гапларимдан роса йиғлади. Тушдан кейин далага ҳам бормади. Мен катта айб қилганимни билиб, уларникидан кетиб қолдим. Қечга томон борсам опам ҳамон йиғлаб ётарди...

Бир куни опам бизникига йиглаб келди. Кейин билшимча, ўша куни Маҳкам поччам бир ўтиришда кимдандир фарзандсизлиги ҳақида қочириқ гап эшитиб, аламдан опам билан айтишиб қолибди. Шу сабаб бўлдим ёки ҳаммасини олдиндан мўлжаллашиб юришган эканми, ўша куниёқ уйимизга қариндошларимиз, тўғрироғи, отамнинг уруғлари йиғилишиб, узоқ маслаҳат қилишди.

— Гулдай умрингни хазон қилиб ўтираве-расанми бировнинг эшигидá? — деб гап бошлади катта аммам. — Гап шу: ундан чиқасан.

— Бахтларингни бошқа-бошқа синаб кўринглар. Сизларнинг йўлларингизни нимадир боғлаб қўйган... Бахшилар ҳам шундай деяпти, — деди кекса момом юшоқ қилиб. — Уриш-жанжалсиз, келишиб, яхшиликча ажрашасизлар.

— Улганим яхши эди бу кунлардан, — деди опам секин йиғи аралаш.

— Ноумид шайтон, худойимнинг марҳамати улуғ, — уни овутди кўнган бўш кичик аммам, ўзи ҳам кўз ёш қилганича. — Э, парвардигор, меҳрингни дариг тутмай, шу бир бечорага ҳам кўп қатори «ол, қулим», деб битта фарзанд ато қилсанг бўлмасмиди?..

Хуллас, опам бизникига — ота ҳовлисига кўчиб келди. Опам жуда кўп йиғлар, аммо буни ҳеч кимга сездирмасди. Шундай пайтларда олдига бориб қолсам, у мени кўриб йиғидан тўхтар ва менга ҳар хил эртақлар айтиб берар, «Шундай қилиб, улар муродмақсадларига етибди», деган сўзларни айтаётганда кўзлари яна намланарди.

Энди опамнинг эски уйларига ойнимнинг: «Ёмон бўлади, у ёққа кирмагин», деганига амал қилиб кирмасдим. Лекин баъзан Маҳкам поччам қўярда-қўймай уйларига олиб кирар, мен яхши кўрадиган беҳилар билан жилдимни тўлатгач:

— Опамнинг аҳволи қалай? — деб сўрарди.

— Ҳеч кимга билдирмай йиғлагани йиғлаган, — дердим ростини айтиб.

— Мендан салом дегин... — Маҳкам поччам ғамгин бўлиб қоларди.

— Яна кирибсан-да, неча марта айтганман сенга! — ойним беҳиларни кўриб уришарди. — Ҳадеб бировникига киравериш уят бўлади.

— Маҳкам поччам бировмас, — дердим йиғлагудек бўлиб.

Опам гапларимдан маъюсланарди. Ёлғиз қолганимизда Маҳкам поччамнинг саломини айтардим. У фақат шу гапларимдангина хурсанд бўлар ва: «Яна сўраса, мендан ҳам салом дегин», дерди бир оз кўнгли ёришиб.

Опамнинг бизникига келганига бир ойча бўлганда тўй бўлди. Уни қўшни қишлоққа узатиб юборишди. Энди у қишлоғимизга кам келар, шунда ҳам сира кўчага чиқмас, қайтиб кетаётганида эса у ёққа оёғи тортмаётгани билиниб турар, баъзан озгина кўз ёши ҳам қилиб оларди. Опамнинг ҳозирги эрини ҳамма ёмон дерди: ойним ҳам, бошқа қариндошларимиз ҳам, аммо у ҳеч қачон зорланмасди.

Бир гал опамга эргашдим. Сўқмоқ оралаб борянимиз. Уларнинг қишлоғига уч чақирим-



ча келар, йўлнинг икки томони ўсиқ жўхоризор эди. Бир вақт рўпарамиздаги жўхоризор шитирлаб кимдир кўринди.

— Вой, ўлмасам! — деб юборди опам. Қаршимизда Маҳкам поччам турарди.

— Моҳинисо, — деди у опамга яқин келиб, менга биринчи марта парво қилмасдан, — ортиқ чидай олмайман.

Опам рўмоли билан юзларини яширди. «Нимага чидай олмас экан?» Ҳайрон бўлганимча Маҳкам поччамга қарадим. Унинг кўзлари қизарган, юзлари шиддатли эди. Опам ерга қараганча индамай турарди.

— Ҳаммасини унутибсиз-да...

— Йўқ, йўқ, унутганим йўқ, — аста бош кўтариб пичирлади опам.

— Бўлмаса... — Маҳкам поччам менга бир қараб олди-да, опамга яқин бориб нималардир деди.

— Қаерга? — Опамнинг овози ваҳимали эшитилди.

— Узоққа, бу ерлардан жуда узоққа.

— Ҳозир кетолмайман... кейин... кейин бўлса, майлига.

Опам юзларини тўсиб турган рўмолини қайириб, Маҳкам поччамга пичирлаб нимадир деди. Маҳкам поччамнинг юзлари тундлашди ва қандай тез пайдо бўлган бўлса, шу кўйи жўхоризорга сингиб кетди. Опам кўзларида ёш қалқигапча қолди.

— Уни кўрганганимизни ҳеч кимга айтмагин, — дея ялинди у ўзига келгач. — Айтмайсан-а?

— Ҳеч қачон, ҳеч кимга. Агар айтсам худдо... — Мен қасам ича бошладим.

— Қўй, қўй, қасам ичма. — Опам кафги билан оғзимни тўсди. — Сенга ишонаман.

Кейин йўл-йўлакай ўзига-ўзи гапиргандек шундай деб борди:

— ...Кета-кетгунча текис, равон йўл бўлса... У қуёш ботаётган маконга тутшиб кетса. Шу йўлдан уфққа бош қўяётган қуёшни қувлаб бораверсанг, қуёш ҳам ботишга улгурмаса, сен ҳам чарчамасанг; олдингда қизариб товланаётган уфқ, қип-қизил нурли йўл... Ортинга сира қарамасанг... Сенга ҳеч ким халақит бермаса...

Бу гаплардан ҳеч нарса англамадим.

Опам фарзанд кўрди. Қариндош-уруғларимиз ўзларида йўқ шод эдилар. Ҳаммаси «кароматини дариғ тутмаган» худога шукур қилишарди. Опам ҳам бир қадар хурсанд кўринар, аммо унинг шодлиги ўзи учун эмас, гўё қариндошларимизнинг кўнгли учун, зўрма-зўракидек туюларди менга.

Шу воқеадан бир ҳафта ўтгач, Маҳкам поччам машинасида аварияга учради. Қишлоғимизга бу хабар тарқалганида опам эндигина туғруқхонадан чиқиб, бизникига келган эди. У чақалоғини оймга ташладию апилтапил касалхона томон югурди. Мен унга эргашдим. Палатага кирганимизда устига оқ чойшаб ёпилган Маҳкам поччам бошини у ёқ-бу ёққа ташлаганича:

— Моҳинисо, Моҳинисо... — деб алаҳси-рарди.

— Мана, мен келдим, кўзингизни очинг, — деди опам йиғламсираб.

— Келдингми? — деди Маҳкам поччам кўзларини очиб, сўнгра мажолсиз кафтига

опамнинг қўлларини олиб, юз-кўзларига суртди... Кўзларидан ёш тирқиради. Ўпкаси тўлиб, бир сўз дея олмай қолди.

Докторлар опамни олиб чиқиб кета бошлашди. Мен опамнинг қўлидан ушлаб олган эдим. Тўсатдан палата эшиги тарақлаб очилиб остонада ранги қув ўчган янги поччам пайдо бўлди. Унинг кўзлари олайиб кетган, важоҳати қўрқинчли эди.

— Номаҳрам! — деб бақирди у опамга. — Ўз жавобинг ўзинг билан, акангникидан қайтиб келма!

Опам бир сўз демай ўтиб кетди. У мени етаклаганча унсиз йиғлаб борар, мен ҳам кўнглим тўлиб унга қўшилиб йиғлардим.

Ўша куни кечқурун Маҳкам поччамнинг жони узилди. Опам уввос солганча юз-кўзини юлиб йиғлади, боласига ҳам қарамай қўйди.

Опам шу бўйи қайтиб эриникига бормасди. У энди сира очилиб гапирмас, менга эртаклар ҳам айтиб бермас эди. Чақалоғига «Маҳкам» деб исм қўйган эди, кўп вақт ўша билан овора бўларди.

Орадан бир йил ўтгач, опам тўсатдан вафот этди...

Азага келган хотинлар йиғи-сиғи қилиб бўлгач, бир-бирларига қараб: «Нимасини айтасиз, кўнгил иши қийин экан», дер эдилар...

## ОЛАПАР

Эски шаҳарнинг яқин орада бузилиши керак бўлган эски бир маҳалласига торгина кўчадан кирилади. Кўчадан юз қадамча юриб, ўнг томондаги йўлакчадан борсангиз, қор-ёмғирдан ювилавериб асл рангини йўқотган бир кўҳна эшик кўзга ташланади. Пештоқидаги сири кўчган «19» рақамли тунука парчаси ва аллақачон яроқсиз ҳолга келган почта қутиси эшикнинг шум қисматига шерик. Ҳовлини ўраб турган беўхшов тахта деворнинг шундоқ эшикка яқин жойидаги тешикка бировнинг кўзи тушса тушади, тушмаса йўқ. Эшик ҳар очилиб-ёпилганда ёмон тарақлаб кетар ва кишининг ғашини келтирадиган ёқимсиз овоз чиқарарди.

Эшикдан ичкарига кирсангиз, кафтдайгина ҳовлига соя солиб турган, қаровсизликдан шохлари ҳар ёққа тарвақайлаб кетган эшак олмага кўзингиз тушади. Сояси учунгина унинг эшак олмалиги пеш қилинмас, зеро бу хонадон соҳиби ҳисобланмиш уч нафар жонга унинг қайси нав олма бўлиши унчалик аҳамиятга эга эмас эди.

Эшик бўсағасидан бошланган ғиштин йўлакча олмани ўртага олганича иккига аж

ралади, бири ҳовлининг ўнг томонидаги бор-йўғи каталакдай-каталакдай икки хонадан иборат уйга — Мусо чолниқига, иккинчиси рўпарадаги тарҳи пухта, бинойидек, айвони ҳам бор уч хонали уйга олиб боради. Бу уйда олтмишларни қоралаб қолган кампир — Роҳат хола туради. У яккаю ягона қизини эрга бергандан бери ёлғиз. Сирасини айтганда, кўп қаватли уйни унинг жини суймайди. Бироқ ёлғизлик дарров жонидан ўтди. Охири қизи бир илож қилиб эрини кўндирди-ю, тез орада онасини кўчириб олиб кетишга қарор қилди. Маъна, неча йилдирки, Роҳат хола ўша кунни интизорлик билан кутади. У фақат бир нарсадан кўрқарди: ҳувиллаган уйда ҳеч ким билмасдан ўлиб-нетиб қолса нима бўлади? Ҳовлининг чол турадиган ўнг қисмида катталиги сандиқдай келадиган каталакда учинчи жон — Олапар лақабли ит умргузаронлик қилади.

Ҳовли умрида супурги бетини кўрган эмас. Бу на пайғамбар ёшига етиб қолганидан ўлимни бўйнига олиб қўйган кампирнинг, на ҳали қўшнисидан тўрт-беш кўйлакни кам йиртган бўлса-да, лекин ундан кексароқ кўринадиган чолнинг парвойига келади. Дунё кўрган икки қариянинг ҳоли шу бўлгач, Олапардан ўпкаламаса ҳам бўлади. Бу ерда уч нарса қариялар учун умумий эди: олмадан икки қадам наридаги қиш бўйи гирдини муз қоплаб, ёзда жилдираб оқувчи кран, баъзан кампир жаврай-жаврай тозалаб қўядиган ҳожатхона ва ниҳоят, уларнинг Олапарга бўлган сўнгсиз меҳрлари. Чолнинг тақдири ҳам кампирниқига ўхшаб кетарди. Унинг ҳам

биргина ўғли бўлиб, ишхонасидан жой олган куниеқ бу ердан бадар кетди. Қампирнинг қизи ўқтин-ўқтин гоҳ ўзи, гоҳ куёви билан келиб, унинг ҳолидан хабар олиб туради. Чолнинг ўғли Тоҳир уч йилдан буён заводда ишлайди. У отаси тўғрисида баъзи узунқулоқ гапларни эшитгандан бери анча ўзгариб қолди. Гўёки онасининг бевақт ўлимига шу отаси сабабчи бўлган эмиш. У уйига маст-аласт келиб хотинини қаттиқ дўппослаганмиш-да, бечора она қайта оёққа туролмай ўлиб кетганмиш. Бу гап Тоҳир чақалоқлигида бўлганидан у ҳеч нарсани аниқ билмайди. Мана шу узунқулоқ гаплар унинг юрагига чуқур ўрнашиб қолди. Бунинг устига отаси ичкиликка муккасидан кетиб, ёш ўғлининг тарбияси билан унча қизиқмади, меҳрини ўзига тортмади. Шуларнинг ҳаммаси бир бўлди-ю, ота-бола бир-биридан ажралиб кетди. Тоҳир йилда бир-икки қорасини кўрсатади, ҳолос. Шунда ҳам уларнинг суҳбатлари охири жанжалга бориб тақалади.

Олапар кундузи суюкли эгаси Мусо чол ишга кетганда (у катта бир ошхонада қорувлик қиларди) уй пойларди. Ҳар замон-ҳар замонда ўзини офтобга солиб ётарди-да, бу ҳам жонига теккач, бориб тасбеҳ ўгирганча мудраб ўтирган Роҳат кампирга суйкалиб эркаланарди. У ҳуда-беҳудага ҳуравермас эди. Фақат ҳовлида ёт одамлар пайдо бўлганда — газчи, монтёр, аҳён-аҳёнда квартира қидириб юрган студентлар адашиб кириб қолгандагина ҳурарди; ҳуришни ҳам жуда ўрнига қўйиб ҳурарди; иккала кўзи ғазабдан ўтдай ёнар, узун-узун курак тишларини кўр-

қинчли тиржайтирар, олманинг олдигача югуриб келиб, асабийлашганча оёқларини ерга маҳкам тираб оларди. Мабодо келган одам хиёл бежо ҳаракат қилгудек бўлса, ўзини унга шердай ташлаши ҳеч гап эмасди. Қолаверса, Мусо чолнинг гапини икки қилиш одати йўқ эди унинг... Олапар она ит эди. Сарғимтир, унда-бунда оқ-қора юнглари уни анчайин салобатли кўрсатар эди.

Олапарнинг бўйнига умрида бирор марта занжир тушмаган эди. Баъзан кечқурунлари чолнинг кўзига кўринмай қоларди. Буни емишининг ёмонлигига йўйиб бўлмасди. Мусо чол уни сира овқатдан сиқиб қўймаган. Шуни деб чол тушликни уйига келиб қилади. Қуруқ келмайди, албатта. Нима қилсин, шу ит унинг кўрар кўзи, бирдан-бир сирдоши, эркатойи бўлиб қолган. Тўғри, жинс бо жинс, кабутар бо кабутар. Бу меҳр-муҳаббатнинг қадрига Олапар қанчалик етишини айтиш қийин. Аммо у йўқолиб қолиш одатини сира тарк этмасди. Мусо чол баъзан кечқурунлари ёлғиз қолганда хуноби ошиб, уни бу ҳолда қолдириб кетган Олапарни қарғарди ҳам. Умрбод ўзиники қилиб олмоқчи бўлиб бирикки бор эшик ёнидаги тешикни ичкаридан беркитиб қўйди. Аммо бу узоққа чўзилмади, меҳрибонлиги бунга йўл қўймади. У Олапарни нега бунчалик ардоқлашининг сирини ҳеч кимга айтмас, ҳатто қиёматли қўшнисини Роҳат кампир ҳам бу ҳақда бир нарса билмасди. Кампир, умуман, чол тўғрисида кам нарса биларди. Билганлари: такадай сассиқ бу чол ҳам дунёда у каби танҳо, у ҳам қарилликка бўйин эгган, унинг ҳам жонига ора

кирувчи ҳеч кими йўқ. Лекин Мусо чол кўчадан маст бўлиб келган кунлари остопада ўтириб олиб, Олапарни бўйнидан қучоқлаб, йиғи аралаш айтган гапларини кўп эшитган.

— Олапарим, Олапаргинам, — дерди у, — ичаман. Ҳа-ҳа, ичаман. Ароқни чиқарганга раҳмат. Онадан асли шўрпешона бўлиб тугилган эканман. Хотиним эрта ўлиб кетди. Ўғлимнинг аҳволи бу... Ҳай, ўзи билан ўзи бўлсин. Келганда ҳам ундан нима фойда? Гапларимни ақалли сенчалик эшитмайди. Уларга ўз жонининг тинчи керак, холос. — Чол яна алланималарни гўлдираганча Олапарни силаб-сийпаб, узоқ-узоқ ғамгин ўтирарди. Шундай кезларда унинг қизғини юзларини тарам-тарам ажин босиб кетар, озгин оёқларидаги кўм-кўк, у ер-бу ери тугун бўртиқ томирларигача титрарди. Кампир бундай кунларда унга парво қилмас, эшикни маҳкам ёпиб олганча уйига кўмилиб оларди.

Чол сўнгги пайтларда ичкиликка айниқса ружу қилганди. Кампирни эса, бу дунё ташвишлари кўп ҳам ўйлатавермас эди. Олапаргина чолнинг дардига ҳамдард бўлгандан бошқа онларини қувноқ ўтказарди.

Бу ҳовлидаги ҳаёт кўпдан буён шу тариқа давом этиб келарди. Уларни ҳеч нарса қаттиқ безовта қилмаганидек, фаслларнинг ўзгариши ҳам бу уч жонга фарқсиз эди, фақат ёввойи олмагина ўз кўринишини вақтга мослаб эринибгина ўзгартирар, бесўнақай шохларида оз-моз мева тугарди-да, уни ҳам гўралигидаёқ тупроққа сочиб ташларди.

Ҳаммаси тўсатдан юз берди. Кузакда кампир ниятига етди: уйини сотиб, қизиники-



га кетиб қолди. Уйни бу йил ўқишни битирган Ҳаким исмли йигит олган эди. Ёнида бир укаси бор эди.

— Мунча ифлос бу ҳовли? — деди у уйни кўргани келган куниёқ бурнини жийриб. — Одам турганга ўхшамайди-я?

Олапар ёт исни пайқаб катагидан отилиб чиқди-да, уларга яқин келиб ҳура бошлади. Ҳаким унга қараб тош отди. Тош итнинг тумшуғига келиб тегди. Олапар баттар ғазабланиб унга ташланмоқчи бўлган эди, остонада Мусо чол кўринди.

— Олапар, Олапар! Ёт, ёт, булар энди кўшинимиз, — деди у. Олапар ака-ука уйга кириб кетишгач ҳам анчагача тинчланмади.

— Ит бор ерда тозалик бўладими, — ичкарида ҳам ўз фикрини укасига уқтирарди Ҳаким, — ўзи ҳам ўлгудай ваҳшийсини топган экан. Уни дарров йўқотиш керак. Мен бунга чидолмайман.

— Чол кўнармикан? У итини жуда яхши кўради шекилли? — Сафар акасини қувватламади. — Биров футбол жинниси, биров ит жинниси, ҳар кимнинг кўнгли ҳар хил...

— Кўнглини кўр-у... Яхшилиқча айтиб кўраман. Кўнмаса, шунга қараб иш қиламиз.

Шу кунданоқ ит Ҳакимни, у итни ёмон кўриб қолди. Эртасига Ҳаким укаси билан ҳаммаёқни тартибга келтиргач, итни йўқотиш тўғрисида чолга гап очди.

— Мингта бедаво одамдан менга мана шу ит азиз, — деди тутоқиб чол. Бугун ҳам унинг озроқ кайфи бор эди. — Кела солиб берган насиҳатини қаранглар. Бу ердан ўзимни йўқотсанг йўқотасанки, итимни йўқотолмайсан... Ҳа-ҳа, билиб қўй!..

— Бўпти, — деди асаби қайнаб Ҳаким. — Бўлмаса, «азиз» итингизни боғлаб қўйинг! Ҳаммаёқни ифлос қилиб ташлайди.

Чол бир оз юмшагандай бўлди.

— У эрка ўсган, занжирга ўрганмаган. Занжирга солса ўлиб қолиши мумкин. Бунга чидолмайман. У яхши ит...

— Яхши бўлса, сиз учун яхши. — Ҳаким шу гапни айтиб зарда билан уйга кирди-да, эндигина дарс қилишга ўтирган укасига қараб ғудранди: — Ёмон кўрганам ит боққан одам эди. Бу турқи совуқ чолга гап уқтириб бўлмайди шекилли. Энди қасдма-қасдига иш тутаман. Кеча уйнинг, ҳовлининг планини кўриб чиқдим. Чол турган уй ҳам аслида, илгари кампирга қарар экан. Ҳовли эса, битта. Чол бир вақтлар уйларнигина сотиб олган. Демак, ҳовли бизники. Эртага яшигу тахталардан бошлаб девор оламиз. — Сўнг-ра сахийлиги тутгандек, қўл силтаб қўшимча қилди: — Чолга икки қадам жой қолдирсак бас, ити билан бемалол сиғади.

Ҳаким худди айтганидек қилди. Ишлаётганларида катагидан чиқиб қолган Олапарни таёқ билан чунонам урдик, бечора кучук жон аччиғида ванг-ванг қилганича қайтиб катагига кириб кетди. Анча вақтгача шундай ғингишиб ётди. Ҳеч бир тасалли берувчи овоз эшитилмаганидан кейин тагин аста ташқарига мўралади. Қўрқа-писа катагидан чиқиб, нажот истагандай бир-икки ҳурган эди, Ҳаким яна унга қараб ҳамла қилди. Олапар югуриб тешикдан кўчага қочиб чиқмоқчи бўлди. Авваллари бемалол сиғадиган тешикка ҳомиладорликдан қаппайиб қолган қорни

қисилиб қолди. Ортидан чопганча етиб келган Ҳаким қорнига тепди. Ит кечгача кўча эшиги рўпарасида маъюс инграганча Мусо чолни кутиб ётди...

Ниҳоят, Мусо чол келди. Ҳар гал уни кўрди дегунча Олапар югуриб бориб, унинг қўлидаги овқат солинган идишни ҳидлар эди. Аммо бугун ундай қилмади... Чол етиб келгач, ўрнидан эринибгина қўзғалди-да, бошини унинг оёқларига суйкади. Чол итга бир нарса бўлганини пайқаб, чўкка тушганча аҳвол сўрай кетди:

— Ҳа, Олапар? Нега бегонадай уйга кирмай юрибсан?

Олапар унга гўё арз-дод қилаётгандай кўзларини мўлтиллашиб қараб турарди. Чол эшик томон қаради: не кўз билан кўрсинки, ит кириб чиқадиган тешикка тахта қоқилган эди. Чол фиғони чиқиб, Олапарни бошлаб ҳовлига кирди. Ҳовли тахта девор билан ажратилган, уникага ўтиш учун шу деворга иккинчи эшик ўрнатилган эди.

— Шунча йил яшаб одам боласининг бунақа бемаънилигини энди кўришим, — деди у ҳовлини бошига кўтариб. — Кеча, итингни йўқот, деб айюҳаннос солувди, бугун сўрамай-нетмай девор қурибди, Олапарни кўчага ҳайдабди. Э, ўша ҳақини таниган ўқи-мишлидан!..

— Ҳаммаси қонуний, — деди чолнинг овозини эшитиб уйдан югуриб чиққан Ҳаким. Кейин қўлидаги ҳужжатларни чолга кўрсатмоқчи бўлди. — Итингизни боғланг, десам боғламадингиз...

— Ҳали Тоҳирим келсин, ҳаммасига жавоб берасан. Нима, бу чолнинг ҳеч кими

йўқ, деб ноғорангга ўйнатмоқчимисан? Олапар нима ёмонлик қилувди? У касалга ўхшаяпти, сен уни ургансан...

— То итни бир ёқлик қилмагунигизча девор тураверади. Фиди-биди қилсангиз, \*маҳаяла комитетига чиқаман. — Ҳаким гапни чўрт кесди.

Шундан сўнг Мусо чол ҳам Ҳакимни бутунлай ёмон кўриб қолди. Тоҳирдан ҳадеганда дарак бўлавермади. Деворни ўзи бузиб ташламоқчи бўлган эди, маҳалла комитети орага тушиб, Ҳакимникини тўғри деб топди. Олапарни эса занжирда тутишгагина рухсат беришди. Чол ноилож итни боғлаб қўйди. Икки-уч кун ичида Олапар шахдидан тушиб қолди. У на овқатга қарар, на чолга эркаланарди. Бир куни чол ишга кетар чоғида унинг олдида анча ўтирди, ўз дардлари ҳам уникидан кам эмаслигини айтиб, гамгин ўйга ботди.

— Олапар, сен занжирсиз ўсгансан. Эркин юришни яхши кўришингни биламан. Нима қилай, осмон йироқ, ер қаттиқ! Тақдир экан!.. Қариганимизда бу кўргулик ҳам пешонамизда бор экан... — деди-да, қолган кечаги овқатлар ёнига бир талай янгиларидан қўйиб, жўнади. Туш пайти хабар олгани келса, Олапар овқатларга тегмаган, мудраганча хомуш ётарди. Мусо чол тушлик ҳам қилмади. Олапарни занжирдан бўшатди-ю, ўзи доктор излаб кетди.

Олапар бир амаллаб оёққа турди. У вужуди сўлиб бораётганини, аъзойи бадани муздай совийганини сезиб турарди. Олапар, чол шошиб, очик қолдирган эшикдан ҳовлининг иккинчи томонига ўтди-да, ҳол-

сизликданми, ё кимнидир кутмоқчи бўлди-ми, орқа оёқларида чўнқайиб ўтирди. Бир вақт эшик хунук ғичирлаб очилди. Ҳақим ҳовлига кириб келди. У олма дарахтига яқин келган ҳам эдики, Олапар бор кучини тўплаб ўзини унга отди. Тили калимага келмай қолган Ҳақимнинг кўкрагидан босиб йиқитди. Лекин истагига етишолмади — тишлай олмади, кўзи тиниб, боши айланди, вужуди латтадай бўшашди.

Ҳақим ўзига келгач, сўкина-сўкина итларни отиб кетадиган ташкилотни ахтариб кетди. Кечга томон иккита милтиқли кишини бошлаб келганда чол ҳам доктор билан ҳовлига кираётган эди.

Ёппасига чолни кига ўтишди. Нохуш манзарадан ҳамма юзини четга бурди: Олапар катаги ёнида узала тушиб ётар, кўзлари очилганча қотиб қолган эди. Унинг тепасида янги туғилган тўртта кучүквачча ингиллашиб турар эди.

Мусо чол индамай келиб, Ҳақимга ташланди. Ҳалиги икки киши уни ушлаб қолди...

Шу воқеадан кейин чол бир ойгача бетоб ётди. Қасалхонадан тузалиб чиққач, орадан кўп ўтмай уйини арзон-гаровга сотди-да, қаёққадир кўчиб қетди.

## ҚАЙТИШ

У қишлоқ баҳорини жуда-жуда соғинган эди. Сингилчалари териб келган барра ялпиз ва эндигина учқулоқ бўлган йўнғичқалардан ойиси кўк сомса қилиб берди. Соғинган кишиларини кўрганиданми ёки сершовқин шаҳардаги ўйлар бир он ортга чекингани учунми, бош оғриғи сал пасайгандек бўлди. Ойиси увитган қатиқдан бир коса симирди.

— Ишларинг яхшими, ўғлим? — сўради ойиси бир оздан сўнг. — Намунча ўзингни олдириб қўймасанг, болам? Рангинг ҳам синиққан, тобинг йўқми?

— Яхши, секин-секин кетяпти, — деди Ражаб хиёл пешонаси тиришиб. Кейин ойнисини тинчлантириш ниятида қўшиб қўйдди: — Сал шамоллабман шекилли, ўтиб кетади. — Шунда докторнинг кеча айтган гаплари эсига тушди. «Шамоллабсиз. Озгина қоп босимингиз ҳам бор. Ҳайронман, сиздек ёш йигитда «давления» қаёқдан пайдо бўлган. Ингирма тўрт ёш! Қаранг, шундай навқирон ёшда-я? Сўнгги пайтларда бирор нарсадан қаттиқ асабийлашганмисиз?.. Илмий иш, денг! Эҳ, ёшлар, илмий иш, деб ҳамма нарсани унутасизлар! кандидат бўлгунча камида биттадан касални орттириб оласизлар!

Одам ўзига ҳам қараши — иш, овқатланиш, дам олиш, уйқу режимига риоя қилиши керак-да! Асабни эса жуда авайлаш лозим. Ёзган дориларимдан кунига уч мартадан ичасиз, бир ҳафта ҳеч нарсаи ўйламасдан, кайфиятингизни бузмасдан дам олинг. Ҳаммаси ўрнига тушиб кетади».

«Ўйламасдан» эмиш! Ўйламасдан бўладими?..

Бари ўша декабрдаги йиллик ҳисоботдан бошланди. У олиб борган тажрибалар олдиндан маълум ишлар бўлиб чиқди.

— Оғизни очиб юравермай, адабиётлар билан тузукроқ танишиш керак эди, — деб койинди уни илмий раҳбари Асқар Тўрабоев.

— Энди сиз ёш бола эмассиз, — деди лаборатория мудири Ханифа Нишонова илмий раҳбарининг гапини қувватлаб. — Бу ер мактаб ёки университет эмаски, уни ўқи, бунини ўқи, деб сизга ҳадеб уқтираверилса. Бу аҳволда ўн йилда ҳам ёқлай олмайсиз. Илмий ходим, аввало, мустақил бўлиши, ўз соҳасини пухта эгаллаши керак. Сиз бўлсангиз...

Ражаб лаборатория ходимлари олдида ноқулай аҳволга тушиб қолди. Айтилган насиҳатомуз гапларнинг тўғрилигини у биларди, аммо, очиги... Унинг асл нияти ўқитувчи бўлиш эди. Икки йил бурун университетни тугатгач, уни ўзларининг томонига ишга юборишганда ўзи ҳам, уйдагилар ҳам хурсанд бўлганди. Биринчи йили яхшигина ишлаётганди. Ўқув йили якунига бир ойча қолганда уларникига шаҳардаги илмий-текшириш институтида ишлаб қолган сирдәрелик ҳамkursи Омон келиб қолди. У икки кун меҳмон бўлди. Кетар чоғида Ражабдан:

— Мактабда ишлаш қалай экан? — деб сўради.

— Тузук. Болалар, дарс, ўзим орзу қилган ҳаёт.

— Шунақа денг, — дея таажжубланди Омон, — бир маслаҳатли гап бор, дўстим. Менга қаранг, кўлингизда университетнинг дипломи борми-бор; оила тинчми — тинч; ёшсиз, мактабда ишлаш бўлса қочмайди, ўқитувчилик доим сиз билан. Сезишимча, анча оқимга тушиб қолган кўринасиз: иш, ҳаёт, тирикчилик... Тағин бир-икки йил шу тариқа ўтса... Ҳар ҳолда, яхши ўқигансиз. Истасангиз, бизнинг институтда ўрин бор...

Омон кетгач, Ражаб унинг гапларини тарозга солиб кўрди-да, ўзича «орқада қолиб кетяпсиз» деган маъно чиқарди. Бундоқ ўйлаб қараса, ҳақиқатан ҳам шунақага ўхшайди: мактаб, дарс, уй, кўча... Ҳар куни бир хилдаги зерикарли ҳаёт. У ёқда бир кун қарабсанки, фан кандидати! Муттасил бир мақсад билан, мақсад бўлганда ҳам олий мақсад билан яшайсан — олимлик! Тўғри, кўп қийинчиликлар дуч келади, лекин ҳаммаси ўткинчи. Нима, ўша Омондан ёки шаҳарда қолиб илмий иш қилаётганлардан унинг қаери кам? Ушалар ҳам унга ўхшаган одамлар. Илмга унчалик ҳуши йўғ-у... Хўш, нима бўпти?.. Бир амаллаб кандидат бўлиб олса, унча-мунча ерда сўзи ўтадиган одам бўлади...

Ражабнинг боши шу каби фикрлардан говлаб юрганда педсоветдаги тортишув устига-устак бўлди. Узоқ давом этган баҳсдан сўнг директор қовоғини солиб деди:

— Хуллас, бу ўқув йилидаги тўғарак



машгулотлари кўнгилдагидек бўлмади, энди келаси йил планларини ҳал қилиб олишимиз керак. Қани, ким нима дейди? Қандай ташкил қилсак бўлади?

— Машгулотлар ҳафтада бир мартадан ўтказилса, — таклиф киритди Ражаб.

— Икки ҳафтада бир денг, — эътироз билдирди математика ўқитувчиси Раҳматуллаев.

— Нега энди? — Ражаб ажабланди.

— Ўзингиз ўйлаб қаранг: бу йилги ойда икки мартага мўлжалланган машгулотлар ҳам ўтказилмади ёки номигагина уюштирилди. Болалар ҳам, ўқитувчилар ҳам ҳеч қизиқмай қўйган бунга. Сабабини биласизми?.. — Раҳматуллаев ёш болага гап уқтирмоқчи бўлгандек Ражабга тикилиб давом этди: — Ўтган йили, сиз айтганингиздек, машгулотлар ҳафтада бир марта ўтказиларди. Дирекция билан келишиб, ўша машгулотлар учун ҳам соатбай ҳақ олинарди. Шунда ўқитувчилар машгулотларни ҳам қизиқарли, ҳам муттасил олиб боришарди. Бу йил эса...

— Ҳамма гап пулда денг! — Ражаб туюқиб кетди. — Ахир биз педагогмиз-ку!

Раҳматуллаев мийиғида маънодор кулиб қўйди.

— Ёшсиз, ҳали осмонда учиб юрибсиз, ука. Бир-икки йилдан кейин ерга тушиб қоласиз. Ана унда кўрамиз фалсафангизни!

Директор тўғарак машгулотларига пул тўланмаслигини айтгач, кўпчиликнинг ҳафсаласи бир бўлганлиги уларнинг юзларидан кўришиб турарди.

«Демак, кўплар қилаётган ишларини пул билан ўлчар экан-да! Бўлмаса, педагог бўла туриб Раҳматуллаев педсоветда ўшанақа гапларни айтадими? Яна уни қувватлашгани-чи! Ҳа, бу ерда мен ҳам уларга мослашишим шарт бўлади. Барибир ўзимни минг ўтга-чўққа урмай, бир оддий ўқитувчи бўлиб қолавераман-да. Кўтарилиш, олдинга силжиш, деган гап йўқ... Умринг бекорга хазон бўлади. Шаҳарда эса, бошқача... бир куи кандидат бўласан!»

...Уйлайвериб Ражабнинг боши тарс ёрилай дерди. У дам олиш кераклигини англаб турса-да, хаёллари бунга йўл қўймасди. «Қишлоқни бир айланиб келаман», — деди у ойсига, кўча томон йўл оларкан.

— Касал одам дам олиб ётмайдими? — ойсиси ортидан гапирганча қолди.

Ражаб кўчага чиқди-да, уйлари рўпарасидаги пахтазор ўртасидан ёриб ўтган сўқмоқдан юриб кетди. Пахтазорнинг нариги бошидан катталиги анҳордек келадиган Хўжаариқ оқиб ўтарди. У икки ёнида бақатерак буталари қийшайиб ётган жар бўйига боргач, кўм-кўк ажриқлар устига ўтирди. Пастда Хўжаариқнинг бўтана суви баҳордан маст бўлиб пишқирарди. Ражаб болалигини эслаб кетди...

...Мақтадан қайтгач, ойсисининг ҳайҳайлашига қарамай, овқатланмасдан, битта нонни қўйнига соларди-да, сигирини етаклаб, Хўжаариқ бўйига — болалар ёнига шошарди. Болалар молларини ўтлоққа қўйиб юбориб, ўзлари қалин буталар ичида икки гуруҳга бўлиниб «уруш-уруш» ўйнашарди. «Душман»га аввал кўзи тушган «аскар» қў-

лидаги ёғоч милтигини унга тўғрилаб; «қиҳ, ўлдинг!», «қиҳ, ўлдинг!» деб отиб ташлар, «ўқ еган аскар» ерга йиқилиб ўларди ва ўйиндан чиқарди. Баъзан ўйинга шунчалик берилиб кетишардики, моллари пахтазорга ёйилиб кетиб, бригадирдан сўкиш эшитишарди. Камини уйда оталаридан олишарди... «Қиҳ, ўлдинг!, Қиҳ, ўлдинг!» — Ражабнинг миясида ўрнашиб қолган шу гап ҳозир яна чарх ўра бошлади. Наҳотки, у ўша ўйиндаги энг лапашанг бола сингари биринчи бўлиб сафдан чиқса?..

— Салом, домла!

— Салом, домла!

Хўжаариқ ёқалаб мактабдан қайтаётган болаларнинг овози Ражабнинг хаёлини бўлди.

— Салом, салом! Ие. Наби, Вали, қалайсизлар? Уқишлар қандай? — Ражаб ўтган йили ўзи еттинчи синфда химиядан дарс берган собиқ ўқувчиларини кўриб қувониб кетди.

— Раҳмат, яхши, — дейишди болалар бараварига.

— Химия-чи?

— У ҳам яхши... Лекин масала ечишда қийналяпмиз, — деди Наби.

— Нега, футболни кўпроқ ўйнаяпсанларми, дейман?

— Йўқ, — жавоб берди Вали. — Химиядан ҳам физикадан кирадиган опа қиряпти. Дарсларни яхши тушунмаймиз. Масала ечишни эса, умуман ўргатмайди. Сиз ўқитганингизда қизиқ-қизиқ тажрибалар қилардик.

Ражаб директорнинг: «Ўрнингизга ҳозир-

ча ўқитувчи йўқ, яна бирор йил ишлай-сиз», — деганини кўнглидан ўтказди.

— Домла, деди Наби тўсатдан. — Бир гап сўрасам майлими?

— Тортинма, сўрайвер, нима эди?

— Сиз ўқитганингизда, мен кимёгар бўлмоқчи эдим. Отам ҳам яхши битирсанг, Тошкентдаги университетга юбораман, деганди. Нега кетиб қолдингиз?

— Энди-чи, энди ким бўлмоқчисан?

— Энди... ҳеч ким. Ўқишни битиргач, армияга кетаман: БАМда хизмат қиламан. Эрматнинг акаси Нурмат ака у ёқдан расм юборибди, жуда зўр! БАМда экан ҳозир улар.

— Армиядан кейин-чи? — Ражаб Набининг орзусини билмоқчи бўлди.

— Билмадим...

— Сен-чи, Вали?

— Мен футболчи бўлардим-у, дадам оёғингдан айрилсан деб доим уришгани-уришган. Ўтган йили «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасидан республика спорт мактабига ўқувчилар қабул қилинишини ўқиб, Тошкентга бормоқчи бўлдим, лекин дадам директорга айтиб, ҳужжатларимни бердирмади. Ўнни битирасан, кейин политехника институтига кирасан, инженер бўласан, дейди. Мен математикаси бор ўқишни ёмон кўраман.

Ўз аҳволи ўзига аён Ражаб болаларга ваъз ўқиб ўтирмади. Улар кетгач, секин ўрпидан турди-да, Хўжаариқ ёқалаб юриб кетди. Уйлар эса уни ҳамон тинч қўймасди. «Нега кетиб қолгансиз?» Шунчалик енгилтак эдими ўшанда? Қимлардир йиғирма уч ёши-

да эл оғзига тушган, машҳур одам бўлган, эл-юртнинг кор-ҳолига яраган. У бўлса... «Кимёгар бўлмоқчи эдим-у... футболчи бўлардим-у, аммо...» — мақсадга айланолмаган романтика, шаклланмай қолган хаёлот. Романтикани мақсадга айлантириш, хаёлотни шакллантириш учун эса кимдир керак, нимадир етишмайди... У шу ерда бўлганда, балки Набининг орзуси қатъийлашармиди?..

Ражаб қош қорайганда уйга қайтиб келди. Мияси ҳамон лўқиллаб оғрир, ранги синиққан эди.

— Касал одам кўчада санқиб юрарканда, — деди ундан сал илгари келган отаси ўглининг юзига разм солиб, — овқатингни егин-да, уйга кириб ёт!

— Урик гули пайти-ку! Эшикда ёта қолсин. Баҳаво, баҳри дили очилади, — деди ойиси. — Сўрига ўрин солиб бераман.

— Шаҳарликлар нозик бўлади. Баттар шамоллаб қолмасин, — деди отаси қатъий оҳангда.

Ражаб ишгаҳаси бўғилиб, томоғидан овқат ҳам ўтмади. Уйга кириб ётди. Аъзойи бадани қақшаб, иситма чиқа бошлади. Отаси қўшни маҳалладаги Ражабнинг синфдоши, бу йил медицина институтини битириб колхоз касалхонасида иш бошлаган Толибжонни чақиртирди. Толибжон келиб беморни кўрди-да, касалхонада ётиши зарурлигини айтди. Толибжон кетгач, отаси деди:

— Мана, Толибжонни қара. Ҳозир колхоз касалхонасида катта доктор. Маҳалла-қўйнинг оғир-енгилига яраб қолди. Ҳамманинг оғзида. Узоқнинг донидан яқиннинг сомони афзал, дейдилар. Ҳали ҳам аллақандай ла-

борант эмишсан. Бу кетишда юраверасанда... Аҳволингни қара, овқат тегмаган одамдек сўррайиб қолибсан.

— Битта қорнинг шу ерда ҳам тўярди. Қўп бўлмаса оз, катта бўлмаса кичик эди. Туришингни кўр—бир сиқим. Токайгача бегона шаҳарда мусофир бўлиб юрасан, — деди ойиси. Гўё ота-онаси унинг ишларидан, кўнглидаги кечинмаларидан хабардордек гапир шарди.

Ражаб касалхонада икки ҳафта ётди. Толибжоннинг қўли енгил чиқди. Бу орада ўрик гули ғўрага айланди. Ғўрани болалардек қувонч билан «қарс-қарс» қилиб еди. Толибжон билан ёшликни, данаги қотмаган ғўрадан «сутми-қатиқ» ўйнашларини хотирлашди. Ёлғиз қолганда кўп ўйлади...

Уни кўргани бир йил ўқитган ва унга меҳри тушиб қолган ўқувчилари келиб туришди. Ҳеч бири Набидек, «Нега кетиб қолгансиз?» — деб ошкора сўрамаса-да, қарашларида шу савол бор эди. Директор ҳам эшитган экан, кўргани келди. Аҳволини, ишларини сўради. Ражаб ростини айтолмади. У касалхонадан чиққанда қатъий фикрга келган эди. Аммо «йигит сўзидан, арслон изидан қайтмайди» деган мақол бор... Ота-онасига фикрини қай тарзда айтади? Қишлоқнинг каттадан-кичиги «шаҳарда олимпикка ўқиётган Ражаббой бир ярим йил ўтмай, ўқишини уддалай олмай яна қайтиб келибди-да», деб маломат қилишини кўз олдига келтираркан, баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Нима деган одам бўлади? Қишлоқдагилар ҳам, ишхонасидагилар ҳам «эп-лолмапти-да» дейишмайдими? Буларга нима

дейди-ю, уларга қай баҳона кўрсатади? Рўйирост «илмга қобилниятим йўқ экан, мен қишлоққа кўпроқ керак эканман», дейдими? О, бу каби қаҳрамонона ибораларни ишлатиш хаёлда осон...»

Эртасига Ражаб поездга ўтириб шаҳарга кетиб бораркан, кеча барча андишаларни йиғиштириб мактаб директорига учрашганда, у айтган гаплар хаёлида тинмай такрорларди: «Хато ҳаммада ҳам бўлади. Инсонга фақат ғалабадан нашъа қилиш эмас, мағлубиятини тап олиш ҳам зеб бағишлайди, деган экан бир допишманд. Энг муҳими, киши жамиятда ўз ўрнини топа билишида. Ёшсиз, фикр-хаёлингиз чегара билмайди. Гўзал хаёллар, кўтаринки кайфият, мени ҳам бир карра чалғитган... Айтсам, бир китоб бўлади. Кейин, мавриди билан ҳикоя қилиб берарман. Болалар сизни орзиқиб кутишяпти».

## ЯНГИ ХУЖАИИН

Ҳажвия

Ҳар кимса ўзича бекаму кўст. Аҳрор Саидов ҳам ўзи ҳақида ҳамиша яхши фикрда. Муваффақиятларининг сирини ҳам ўзидан топади-қўяди: шундоқ ишбилармон, камтар, камсуқум бўлгач... Бошлиқнинг ҳузурига киришлари-чи? Бошқаларга ўхшаб бирикки соат кутиб-кутмай дарров айюҳаннос сола бермайди, ҳатто кун бўйи кутишга ҳам бардоши етади. Рост-да, шошган қиз эрга ёлчимас. Навбати келганда ҳам бошлиқни ёлғиз топиб, котиба қиз «кайфиятлари яхши», десагина киради. Ахир, бошлиқ ўз оти билан бошлиқ-да!

Мана, у завод лабораториясига ўн беш йилдан буён мудирлик қилади. Эҳ-ҳе, бу йиллар ичида не-не директорлар келиб кетмади. У эса, ҳамон ўша-ўша жойда! Буюрганини қилсанг, тилингни тийиб юрсанг, бошлиқнинг тилини топсанг, сен билан кимнинг қанчалик иши бор?..

Биринчи директор жуда улфатижон одам эди. Саидов жон-дилидан севган мудирлиқни ҳам ўша олиб берганди. Очиқ кўнгиллиги-чи? Қайси бир ўтиришда мастликданми, ростликданми, «сизни ўзимга ёрдамчи қилиб оламан», деб қолса бўладими?



— Хўжайинжон, бизга буюриш ярашмайди, ижро этиш бўлса, дўндирамыз... Қўйинг, унақасини... шу лабораторияни тебратиб, кўп қатори соянгизда юрсак, шунинг ўзи катта давлат бизга, — дея билими етишмаслигини хаспўшлагунча Саидов қора терга ботган эди.

Саидов хўжайиннинг ҳузурига етти букилиб кириб, етти букилиб чиқиб кетарди. Унинг қўлидаги иш қоғозлари орасида ўша кунги чойхонапалов «плани» ҳам албатта бўларди. Чунки, у директорнинг ишхонадаги ишонган «ишбоши»си бўлса, чойхонада донғи кетган «ошбоши»си эди-да! Эсиз-эсиз, ўша улфатчиликлар... Яхши кунлар нега бунча тез ўтади, ҳеч тушунолмайд.

Иккинчи директор дабдабали даврани суярди, бир оз таъби нозик эди. Саидов унинг ҳузурисида пайдо бўлди, албатта қўлида бирорта баобрў таниши бериб юборган мактуб ёки таклиф қоғози бўларди. «Азизимиз Саидовнинг азиз хўжайинлари, дўстларсиз ўтган кунни кун дегимиз келмайди...» деган назокатли жумлалар билан бошланарди улар. Таклиф қилувчилар кўпинча директорнинг етти ухлаб тушига кирмаган кишилар бўларди. Аммо Саидов уларни бирпасда беш бармоқдек аниқ қилиб тушунтириб қўярди. Бошга тушгани кўз кўраркан. Шу директорни деб Саидов ҳам ичувчи бўлиб қолди. Яхшиямки, директор ишдан олинганда у ҳайфсан билан қутулди, холос. Барибир зўр одам эди. Қил ўтмас бўлиб қолишганди-я...

Кейингисига Саидовнинг шахсий машинаси борлиги ёқиб тушди.

— Давлатники омонат, — дерди директор унга икки гапнинг бирида. — Унда юрсанг отнинг қашқаси бўласан. Фақир киши панада, дегандек, эл кўзига камроқ ташланган маъқул.

Шу сабабли Саидов уззу-кун кабинетидagi ички телефон ёнидан жилмас эди. Телефон «жилинг» этиши билан у ўзини машинада кўрарди. Ҳаттоки, бориб-бориб директор шофёрлик штати «очиб», унга киши билмас ойлик ҳам белгилаб қўйди. Шундай қўли очиқ, кўнгли дарё одамни ҳам бўшатиб юборишди-я... Аттанг!

Шу кунларда янги директорнинг дарағи чиқдию Саидовнинг мияси ғовак бўлиб кетди. Ҳамманинг оғзида бир гап:

— Янги директор фан кандидати эмиш...

— Катта жойда ўқиган, барча соҳани пухта эгаллаган эмиш...

— Ҳақиқатгўйлиги-чи? Лаганбардорликни кўргани кўзи йўқ экан.

«Оғзиларини тўлдириб гапиришларига ўласанми?» Бир кундаёқ Саидовнинг ранги шамдай сўниб қолди. «Шўрим қуримасайди, — дерди дам-бадам овозини чиқариб. Кейин ўзига ўзи далда берди: — Жуда унчалик эмасдир-ов. Эшитган бошқа, кўрган бошқа. Олдидан бир ўтиб синайлик-чи...»

— Янги директор ичиш-чекиш нималигини билмас эмиш.

— Улфатчиликни кўпда ёқтирмас экан.

— Эл қатори завод ошхонасида овқатланаётган эмиш.

— Заводнинг машинасини парткомга берганмиш. Ўзининг шахсий машинаси бор экан.

Бу гапларни эшитишга Саидовнинг ортиқ тоқати чидамади. Касал бўлиб, ётиб қолди. Тузалиб ишга чиққан куниёқ «синов» эсига тушиб, директорнинг хонасига йўл олди.

— Мумкинми? — деди у хаста овозда эшикдан ўғри мушукдай мўралай туриб.

Директор ишдан бош кўтармай «келинг», деди. У тушдан кейин бўладиган мажлисга шошилишч бир доклад тайёрлаш билан банд эди.

Саидов оёқ учида битта-битта юриб директорнинг қошига келди. Бетгачопар экан, деб ўйламасин деган андишада кўзи билан ер сузиб, ҳол-аҳвол сўрай кетди.

— Утира туринг! — деди директор бурчакдаги жавондан аллақандай қоғозларни титкилаганча. — Мен ҳозир... Кейин қанча иш бўлса гаплашаверамиз.

— Иш-ку йўқ, — дудуқланди Саидов. — Мен бир минутга кирган эдим. Хўжайинни бир кўрай, аҳволларини билай дегандим. Банд экан сиз, кейинроқ...

— Кимсиз ўзингиз? Хўжайинингиз нима-си?! — Директор сергакланди.

— Сизни-да... ҳазиллашяпсизми, хўжайин? — Саидов баттар довдиради, сўнг нима қиларини билмай оёғи билан ер чизди. Бирдан ранги бўздек оқариб, кўзлари ғалати бўлиб кетди. Туфлисининг таги ифлосроқ эканми, оёқ остидаги гилам оқариб қолди.

— Кечирасиз, хўжайин, мен билмасдан...

Директор ҳеч нарса тушунолмамай кифтини учирди. «Индамади, жаҳли чиқди», дея кўнглидан кечирди Саидов ва:

— Ҳозироқ тозалайман! — деди-да, шалоп этиб ўзини полга ташлади, чўнтагидан

оппоқ дастрўмол чиқариб, гиламчи ишқалай кетди. Директор жавонни ёпиб ўрнидан турди, унга яқинлашди-да, бирдан бақариб юборди:

— Аҳрор, сенмисан?!

Саидовга ўз исми портлашдек таъсир қилди. Сапчиб ўрнидан турмоқчи бўлди, бироқ оёғи силлиқ полда сирғалиб, ағдарилиб тушди. Директор шоша-пиша уни суяб кўтарди. Саидов кўзларини очди. Боши узра жилмайиб турган янги «хўжайин»ни таниди ва негадир яна кўзларини юмиб олди: янги «хўжайин» ўзи билан ўн йил бир партада ўтирган синфдоши Холмамат эди.

## МУНДАРИЖА

Уқилмаган мактуб . . . . .	3
Асорат . . . . .	8
Кўнгни . . . . .	13
Олапар . . . . .	20
Қайтиш . . . . .	30
Янги хўжайин . . . . .	40

На узбекском языке

Адхам Даминов

СМЕЛОСТЬ

*Рассказы*

Иқтисод қилинган қоғоз ҳисобига босилди.

Редактор **Х. Султонов**

Рассом **В. Валиев**

Расмлар редактори **А. Кива**

Техн. редактор **М. Низомова**

Корректор **Ш. Соатова**

ИБ № 2413

Босмахонага берилди 8. 01. 82. Босишга рухсат этилди 23. 08. 82  
Р 16041. Формати 70x00 1|32. Босмахона қоғози № 3.  
Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 1.75 .  
Нашр л. 1,5. Тиражи 15000. Заказ № 20. Баҳоси 10 т.  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129,  
Тошкент, Навоий кўчаси. 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари Давлат Комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси.

Даминов, Адҳам.

Журъат: Ҳикоялар.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.—48 б.

Еш қаламқаш Адҳам Даминовнинг ҳикояларида турли ҳаётӣй воқеа-ҳодисалар, кишилараро кундалик муносабатлар ифода этилади. Муаллиф замондошларимизни қизиқтирган ахлоқӣй масалаларни бақадри имкон ёрғтишга ҳаракат қилади.

Даминов, Адҳам. Смелость: Рассказы.

Уз2

Д  $\frac{70303 - 124}{M352(04) - 82}$  Доп. 82 4702570200